

23.09.2022
06-01 / 182.

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Нурота туман ҳокими
ўринбосари, оила ва хотин-қизлар
бўлими бошлиғи,
Зулфия номидаги давлат мукофоти
туман комиссияси раиси
Г.Бобомуродова
2022 йил “23 ” сентябрь



Зулфия номидаги Давлат мукофотига тавсия этиш бўйича туман
комиссиясининг йиғилиш
БАЁНИ М1

2022 йил 23 сентябрь

Нурота шаҳри

Раислик қилувчи:

Г.Бобомуродова—Нурота туман ҳокими
ринбосари, Оила ва хотин-қизлар бўлими
бошлиғи, Зулфия номидаги давлат мукофотига
тавсия этиш бўйича туман комиссияси раиси

Таклиф этилганлар:

Х.Тўйчиев—туман ҳокимлиги ташкилий-
назорат гуруҳи раҳбари

Иштирок этганлар:

тумандаги ташкилот ва муассасалар
вакиллари, Зулфия номидаги Давлат мукофоти
туман комиссияси аъзолари, оила ва хотин-
қизлар бўлими масъул ходимлари(*рўйхат
бўйича*)

КУН ТАРТИБИ:

2022 йилда Зулфия номидаги Давлат мукофотига номзодларни танлаш ва
уларнинг хужжатларини тайёрлаш борасида амалга ошириладиган ишлар ва
2021 йилда йўл қўйилган камчиликлар ва уларни бартараф этиш чора-
тадбирлари тўғрисида.

(Бобомуродова, Тўйчиев, Бобоназаров, Усмонов, Каримов, Каландарова... Бобомуродова)

Йиғилишни туман ҳокими ўринбосари Г.Бобомуродова кириш сўзи билан
очиб берди. Г.Бобомуродова мамлакатимизда аёлни муқаддас билиш, унга
алоҳида эҳтиром кўрсатиш, озод ва обод юртимиз келажаги бўлган ҳар
томонлама етук ёшларни тарбиялашдаги бекиёс ўрнини яна бир бор эътироф

Этиш, баркамол, оқила хотин-қизлар авлодини вояга етказиш, улар орасидаги иқтидорли ёшларнинг адабиёт, санъат, фан ва маданиятни ривожлантиришдаги ютуқлари, тенгдошларининг миллий истиқлол гоялари ва маданий-маънавий қадриятларга эътиқодининг юксалиши йўлидаги ибратли фаолияти, кенг кўламли ислоҳотларни жадаллаштиришдаги фаол иштирокини рағбатлантириш” мақсадида Зулфия номидаги давлат мукофоти таъсис этилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 мартағи ПФ-5389-сонли Фармонига асосан “Зулфия номидаги Давлат мукофотини таъсис этиш бўйича таклифларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги Фармонга ўзгартиришлар киритилиб, ҳар бир вилоятдан икки нафардан ҳамда 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган иқтидорли қизлар 7 та йўналишда ушбу нуфузли мукофоти соҳибаси бўлиш имкониятига эга бўлди.

Бугунги кунга қадар туманда **2 нафар** ушбу нуфузли мукофоти соҳибаси бўлган қизларимиз турли соҳаларда фаолият олиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 7 марта қабул қилинган “Оила ва хотин қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-87-сон фармони мамлакатимизда хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини ошириш борасида туб бурилиш даври бошланганидан далолат беради.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 1 мартағи ПҚ-146-сон қарори билан оила институтини мустаҳкамлаш ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бўйича белгиланган давлат сиёсатининг асосий йўналишларининг энг биринчиси ҳам хотин-қизларнинг таълим ва касбий кўникмалар олишлари, муносиб иш топишларига ҳар томонлама кўмаклашиш, тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, иқтидорли ёш хотин-қизларни аниқлаш ва уларнинг қобилиятларини тўғри йўналтириш, гендер тенгликни таъминлаш сиёсатини давом эттириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларни қўллаб-қувватлашга доир ислоҳотларни амалга ошириш эканлиги белгилаб қўйилган.

Бугунги кунда Зулфия номидаги Давлат мукофотига номзодлар саралаш **билин боғлиқ ечимини кутиб турган бир қатор масалалар мавжуд.**

Хусусан:

- бугунги кун талабларидан келиб чиқиб, мукофот учун танловларни очиқлик принципига амал қилган ҳолда ўтказиш;
- мукофот йўналишлари бўйича йўриқномани, баҳолаш мезонларини, туман комиссияси таркибини қайта кўриб чиқиш, қуйи босқичларда соҳа экспертларини жалб қилган ҳолда ташкил этиш;
- мукофот совриндорларининг кейинги фаолияти самарадорлиги, жамият ҳаётидаги фаол иштирокига жалб этиш, бу борадаги мониторинг ишларини кучайтириш;
- Зулфия номидаги Давлат мукофотига тавсия этилаётган номзодларнинг шахсий йиғма жилдидаги хато ва камчиликларни бартараф этиш чораларини кўриш талаб этилмоқда.
- Шунингдек, туман ҳокими ўринбосари Г.Бобомуродова Зулфия номидаги давлат мукофотининг туман босқичига ҳужжатларни тақдим этишда

туман комиссияси масъуллари номзодларнинг ютуқлари республика даражасидаги (фан олимпиадалари, нуфузли танловлар), Халқаро даражадаги ютуқларга эришганлигига алоҳида эътибор қаратишлари, тақдим этиладиган хужжатлар йўриқнома талаблари асосида тайёрланишига жиддий эътибор қаратишлари ҳақида тўхталиб ўтди.

Кун тартибидаги масалаларни мухокама қилиб, йиғилиш

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Кун тартибидаги масалалар юзасидан берилган ахборотлар маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

- 2. Туман қайд этилган камчиликларга жорий йилда ўтказиладиган танловлар жараёнида йўл қўймаслик бўйича қатъий чора-тадбирлар кўрилсин.

1. Зулфия номидаги Давлат мукофотига тавсия этиш бўйича туман комиссияси таркиби **1-иловага;** Комиссиянинг 2022-2023 йилларга мўлжалланган **иш режаси 2-иловагамувиқ** тасдиқлансин.

2 Туман комиссия аъзолари:

2.1. Зулфия номидаги Давлат мукофотига номзодларни танлаш ва уларнинг хужжатларини сифатли тайёрлаш бўйича 3-иловага асосан юборилаётган **Тавсияларни** амалиётда қўлланишини таъминласин;

2.2. Номзодларни танлаш, уларнинг хужжатларини тайёрлаш, қабул қилиш ҳамда республика комиссиясига тақдим этишда “Зулфия номидаги Давлат мукофоти тўғрисида”ги Низом, Йўриқнома, ушбу мукофотга доир бошқа меъёрий-хукуқий хужжатлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси томонидан берилган тавсия ва намуналарга қатъий амал қилиниши белгилаб қўйилсин.

2.3. Зулфия номидаги Давлат мукофоти учун ўтказиладиган танловнинг **туман-шаҳар босқичлари** Зулфия номидаги давлат мукофотига талабгор (номзод)ларни саралаш ва тақдим этиш тартиби тўғрисидаги Низом талаблари асосида, адолатлилик ва шаффоффлик принципларига қатъий риоя этилган ҳолда ташкил этилсин.

Жумладан:

26 сентябрь – 5 октябрь кунигача мактаб босқичлари;

10 октябрь гача туман босқичини ташкил этиш ҳамда туман комиссиялари томонидан тавсия этилган талабгорларнинг хужжатларини атрофлича ўрганиб чиқиш;

- барча йўналишларни тўлиқ қамраб олган ҳолдаюқори натижаларга эришган талабгорларни Зулфия номидаги Давлат мукофотига тавсия этиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

3. Туман комиссия аъзоларига:

мукофотга тавсия этилган талабгорларнинг фаолияти, асарларининг жамоатчилик томонидан кенг ва ошкора мухокама қилиниши ва малакали мутахассислар томонидан холисона баҳоланишига кўмаклашиш ва Давлат мукофотини олишга тавсия этилган талабгорларнинг ибратли фаолиятлари ва

ижодий ишларига доир материалларни зарур ҳолларда тегишли ташкилотлардан эксперталарни жалб этиш тизимини жорий этсин;

3.1. Нуфузли танловлар, фан олимпиадаларида юқори натижаларга эришган иқтидорли қизлар тўғрисида маълумотлар базасини шакллантирсинг ҳамда уларни танловда тавсия этилишини назоратга олсин;

3.2. Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндорларининг жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрнини ошириш, фаолияти мониторингини доимий олиб борилишини йўлга қўйсин;

3.3. Мукофот соҳибаларини фаол бўлмаган қизларга бириктириш, уларнинг муаммоларини ҳал этишга кўмаклашиш чора-тадбирларини амалга оширсин.

3.4. Таълим муассасаларида Зулфия номидаги давлат мукофотининг нуфузи ва аҳамияти тўғрисида туркум учрашувлар ва давра сұхбатларини ташкил этсин.

3.5. Туман комиссияси фаолияти бўйича ҳар чоракда таҳлилий йиғилиш ўтказиб бориш, номзодларнинг йиғма жилдларини сифатли тайёрланишида комиссия аъзоларининг масъулиятини оширишда масъул эканликлари алоҳида уқтирилсин.

4. Ушбу қарор ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Баёнлаштириди:

Х.Муҳаммадиев

Зулфия номидаги Давлат мукофотига
Тавсия этиш бўйича туман комиссиясининг
2022 йил “23” сентябрдаги
06-09/18/сон баёни қарорига
1-илова

**Туман оила ва хотин-қизлар бўлимининг Зулфия номидаги Давлат
мукофотига тавсия этиш бўйича вилоят комиссияси аъзолари
ТАРКИБИ**

№	Ф.И.Ш	Лавозими
1. Жамоатчилик йўналиши		
1.	Г.Бобомуродова	туман ҳокими ўринбосари, оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиги
2.	Х.Тўйчиев	Туман ҳокимлиги ташкилий назорат гурухи раҳбари
3.	У.Усмонов	Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи туман Кенгаши раиси
2. Адабиёт йўналиши		
1.	Л.Бозоров	“Нурнома” газетаси бош мухаррири
2.	Ш.Мухторова	Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси
3.	С.Шукрова	Тумандаги “Иқтидорли қизлар” клуби раҳбари
3. Маданият йўналиши		
1.	А.Ёқубов	Навоий Тасвирий ва амалий санъат лицей директори
2.	А.Шукров	Туман Музей директори
3.	Н.Давлатова	Туман Маданият бўлими саҳна режиссёри, “Шуҳрат” медали соҳибаси
4. Санъат йўналиши		
1.	А.Каримов	Туман Маданият бўлими раҳбари
2.	У.Фозилов	5-сонли Мусиқа мактаб директори
3.		
5. Фан йўналиши		
1.	Б.Бобоназаров	Туман Ҳалқ таълими бўлими бошлиғи
2.	М.Фахриддинов	Туман Ёшлар иттифоқи раиси
3.	Ю.Бобоёров	1-сонли касб-хунар мактаби директори
6. Таълим йўналиши		
1.	Ў.Каримов	Республика Маънавият ва маърифат маркази туман бўлими раҳбари
2.	М.Жуманиёзов	Туман ХТБ бошлиғи ўринбосари
3.	О.Сайдқулова	Туман ҳокимлиги болалар масаласи бўйича бош мутахассис

7. Спорт йўналиши

1.	У.Қаххоров	Туман Спорт бўлими бошлиғи
2.	Б.Хидиров	Туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи
3.	Н.Адизова	Бадий гимнастика бўйича туман бош тренери